Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 16 март
ЖУМА
№ 62 (4.856).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин



**СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВ:**

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШГА, СССР КОНСТИТУЦИЯСИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШГА, ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА КАФОЛАТ БЕРИШГА, ЗИММАМГА ЮКЛАНГАН СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАЛАРИНИ ВИЖДОНАН БАЖАРИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН.

*Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қарори*

## СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари Съезди қарор қилади:

Ўртоқ Михаил Сергеевич **Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

## СССРнинг биринчи Президенти қасамёд қилди

*ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлдан хабар берадилар*

Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. 15 март куни эрталаб СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III Съездида шу ҳақда эълон қилинди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** съезд ҳисоб комиссиясининг раҳбари **Ю. А. Осипьянга** сўз берди, у кеча кечқурун ўтказилган яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. ССР Иттифоқи халқ депутатлари жами 2245 нафар. Кечаги овоз бериш чоғида роппа-роса 2000 нафар СССР халқ депутати сайлов бюллетенини олди. Сайлов қутилари очилганида 1878 та бюллетень чиқди. Овозлар ҳисобланаётган вақтда 54 та бюллетень бекор қилинди.

Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: номзодни ёқлаб 1329 овоз берилди, 495 депутат қарши овоз берди.

Шундай қилиб, деди комиссия раиси зал аҳлининг қарсаклари остида, овозларни ҳисоблаш асосида ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев ССР Иттифоқининг Президенти этиб сайланди.

Комиссия раиси депутатлардан бирининг саволига жавоб қайтариб қуйидагича изоҳ берди: М. С. Горбачев номзодини ёқлаб Съезднинг рўйхатдаги составидан овозларнинг 59,2 фоизи ёки бюллетень олган депутатларнинг 66,45 фоизи ёки овоз беришда иштирок этганларнинг 70, 76 фоизи овоз берди. Сўнгги икки рақам маълумот тусидадир. Биринчи рақам эса расмий рақамдир.

Съезд ҳисоб комиссиясининг протоколини тасдиқлади.

Яширин овоз бериш якунларига кўра қарор қабул қилинди: ўртоқ **Михаил Сергеевич Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

СССР Конституциясига мувофиқ, мамлакат Президенти СССР халқ депутатлари Съездининг мажлисида қасамёд қилади.

СССР халқ депутатлари, Съезд меҳмонлари ўринларидан турадилар. Президент Съезд тасдиқлаган СССР Конституциясини ушлаб туриб қасамёд қилади: «Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Раислик қилувчи съезд номидан мажлис аҳлининг қарсаклари остида М. С. Горбачевни Совет Давлати раҳбари вазифасини бажаришга киришган СССРнинг биринчи Президенти деб эълон қилади.

СССР Президенти **М. С. Горбачев** минбар ёнига келади ва нутқ сўзлайди.

**(М. С. Горбачев нутқининг матнини газетанинг келгуси сонида ўқийсиз).**

## СЪЕЗД ПРЕЗИДЕНТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

Мамлакат Конституциясига янги боб ёзилди. У «СССР Президенти» деб номланди. Шу муносабат билан Асосий Қонуннинг бир қанча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлиб қолди. Қонун чиқариш тартиби СССР халқ депутатларидан анчагина вақт ва куч-ғайрат талаб қилди.

14 март куни эрталаб улар Кремлга тўпландилар ва **М. С. Горбачев** раислигида президент ҳокимияти ҳамда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Илгари хабар қилинганидек, лойиҳа тўрт бўлимдан иборат. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги биринчи бўлим деярли мунозарасиз куни кеча қабул қилинди. Конституцияга ўзгартишлар хусусидаги иккинчи бўлим анча мунозарага сабаб бўлди. Депутатлар шу куни сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг давлатдаги ўрни, шунингдек мулкчиликнинг турли шаклларига тааллуқли моддаларни узил-кесил баён этишга улгурдилар.

Чоршанба куни Конституциянинг янги «СССР Президенти» боби теварагида баҳслар бир неча соат давом этди. Бу тушунарли: шошма-шошарлик билан Асосий Қонунга пухта ишлаб чиқилмаган қоидаларни киритмаслик, улар турлича талқин этилиши эҳтимолига йўл қўймаслик учун ҳар бир таърифни солиштириш, унинг мазмунини пухта текшириш талаб қилинди. Шу туфайли съезд таҳрир комиссиясининг раиси **В. Н. Кудрявцев** минбарда узоқ вақт туриб қолишига, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтаришига, у ёки бу таклифлар хусусида фикр билдиришига тўғри келди.

Съездда амалий фикрлар кўп бўлди. Аммо съездни чалғитишга, эътиборни ташкилий масалаларга қаратишга, ҳатто депутатларни қабул қилиб бўлинган қарорларни қайта овозга қўйишга оғдиришга уринишлар ҳам бўлди. Бироқ бундай уринишлар натижа бермади.

Ниҳоят, қонунчилик соҳасидаги ҳақиқатни излашнинг қийин йўли СССР халқ депутатларини Совет давлати бошлиғининг мақоми ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатини белгилашга олиб келди. Съезд СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар Қонун лойиҳасининг учинчи ва тўртинчи бўлимларини — биринчи Президентни сайлаш тартиби, унинг қасамёди тўғрисидаги ва Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб уни кучга киритиш тўғрисидаги бўлимларни кўриб чиқишга киришдилар. Сайлов тартиби юзасидан қарама-қарши нуқтаи назарлар баён этилди. Фикрлар кескин ва жўшқин бўлди: баъзилар биринчи Президентни дарҳол, съездда сайлашни, акс ҳолда, бир депутатнинг айтишича, «тақдиримиз бонги дарз кетиши мумкин», деган қатъий фикрни айтдилар, бошқалар эса «умумхалқ» яхлитлиги амалда бўлмаган шароитда умумхалқ муҳокамасига қўйишни ёқлаб чиқдилар.

Съезд малакали кўпчилик овоз билан Қонун лойиҳасининг учинчи ва тўртинчи бўлимларини қабул қилди.

Шу тариқа, СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонунини қабул қилди.

Депутат **А. А. Собчак** луқма ташлаш учун илгари сўз сўраганлиги сабабли, ваъда қилинганидек, Қонун қабул этилганидан кейин, унга мана шундай имконият берилди. У Съезд минбарига чиқиб ўзидан аввал сўзга чиққан депутат И. К. Полозков билан, жумладан, «АНТ» давлат-кооператив концернининг фаолияти билан боғлиқ масала юзасидан баҳслашди. Шу концерн тузилганлиги учун нотиқ Совет ҳукуматига ва бир қанча ҳукумат идораларига қаттиқ айблар қўйди. У сўнгги чақириқ СССР Олий Советининг кўпгина депутатлари, Совет ҳукуматининг бошлиғи шанига, шунингдек Якутия АССРдан ва Адигей автоном областидан РСФСР халқ депутатлари қилиб сайланган Россия Федерацияси раҳбарлари шанига одобсиз иборалар ишлатди.

Кўпгина СССР халқ депутатлари бунга жавобан ўз фикрларини айта бошладилар.

Менинг кўнглим тобора ғаш бўлиб боряпти, биз ўзи нималар билан шуғулланяпмиз? СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** ўз нутқини мана шу сўзлар билан бошлади. У ҳаяжон билан гапирди, ҳукумат бошлиғининг кайфияти, чамаси залдагиларга таъсир қилди, ҳар ҳолда у нутқини тугатганида гулдурос қарсаклар чалинди. СССР Министрлар Советининг Раиси кейинги вақтларда ҳукумат шанига зўр бериб хуруж қилинаётганлигидан, ҳукуматнинг ҳамма ишлари ерга урилаётганлигидан ажабланиб гапирди.

«АНТ» концернининг тузилишига келганда, депутат унинг тузилганини тўғри деб атади: ахир бу иш бевосита мол айирбошлаш хусусида битимлар тузиш — чет элларга ишлаб чиқариш чиқитларини, пландан ташқари маҳсулотни сотиб олинган пулга халқ истеъмоли моллари харид этиш учун қилинган эди. Бунинг нимаси ёмон?

Ҳукумат бошлиғи кейинчалик ўз ўринбосарларидан бири халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан мудофаа саноатининг пландан ташқари маҳсулотини сотишга ижозат берадиган ҳужжатни имзолаганлиги хусусида афсусланиб гапирди. Ўша пайтда ҳужжатдаги мана шу умумий ибора танклар билан хийла-найранг ишлатилиши учун йўл очишини фараз қилиш қийин эди.

Хийла-найранглар учун жиноий тартибда жавоб берилиши керак, дейди Н. И. Рижков, аммо у бу ишда ҳукуматнинг қўли бор, деган даъволарни қатъиян рад қилди.

Асоссиз айблашлар муҳитида ҳукумат бемалол ишлай олмайди. Унга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши керак.

СССР Министрлар Советининг Раиси президентлик ҳокимиятини ёқлаб гапирди. Ҳақиқатан ҳам биз шундай қилишимиз керак, деди у, бироқ шунга аминман: башарти яна икки таркибий қисм: ҳукумат ва судлов ҳокимияти ишламас экан, ҳеч қандай кучли Президент, президентлик кабинети ишлай олмайди. Агар бизга кучли ҳукумат керак бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозим.

Шундан кейин сўз олган якутиялик депутат А. А. Собчакнинг нутқини йўл қўйиб бўлмайдиган шовинистликдан иборат ножўя қилиқ деб атади ва ундан якут ва адигей халқларидан кечирим сўрашни талаб қилди. Адигей вакили ҳам шу фикрни қатъий қилиб айтди.

Депутат **Е. Ф. Бобилева** ҳам А. А. Собчакнинг ножўя қилмишини кескин қоралади ва унинг баёнотини «халқ депутатлари съездлари тарихидаги энг шармандали воқеа» деб таърифлади. Биз ўзимиз уч ой муқаддам ҳукуматимизга ишонч билдирди-гу, бугун бўлса унга мана шундай хуружлар қиляпмиз.

**М. С. Горбачев** «АНТ» концерни билан рўй берган можаронинг моҳияти ҳақида гапириб, шу муносабат билан кўрилган чораларни эслатиб ўтди ва текшириш якунлари ҳақида СССР Олий Советига маълумот берилсин, деган фикрни айтди.

Депутат А. А. Собчак нутқининг руҳи ва унда тўлиб-тошиб ётган шамалар, таъналар хусусида гапириб, раислик қилувчи уларни ножўя деб атади. Депутат ўз нутқига съезд олдида баҳо беради, деб умид билдирди. Ҳисоблашларича, беадабликка ва хуружларга йўл қўйган депутат И. К. Полозков ҳам шундай танбеҳларга лойиқ.

Шундан кейин танаффус эълон қилинди.

Сўнгра Съезд кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга, СССР Президентини сайлашга ўтди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** ҳозиргина қабул қилинган Қонунга биноан СССРнинг биринчи Президенти СССР халқ депутатлари Съезди томонидан беш йил муддатга сайланишини эслатиб ўтди. Номзодларни жамоат ташкилотлари ўзларининг умумиттифоқ органлари орқали, СССР Олий Совети, унинг палаталаридан ҳар бири, камида юз кишидан иборат СССР халқ депутатлари группалари ва иттифоқдош республикалар ўзларининг қонун чиқарувчи органлари орқали кўрсатишлари мумкин. Барча СССР халқ депутатлари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзод сайланган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш бошланади.

Депутат **В. А. Ивашко**нинг хабар қилишича, КПСС Марказий Комитети март пленумининг ҳозиргина бўлиб ўтган иккинчи мажлисида бугун Съездда қабул этилган Қонуннинг учинчи қисмига мувофиқ Пленум Михаил Сергеевич Горбачевни СССР Президенти лавозимига номзод қилиб бир овоздан кўрсатди. Депутат Съездга мурожаат этиб, КПСС Марказий Комитети Пленумининг шу қарорини қўллаб-қувватлашни илтимос қилди.

«Союз» депутатлар группаси номидан депутат **В. И. Алкснис**нинг маълум қилишича, группанинг йиғилиши СССР Президенти лавозимига яшрин овоз бериш учун номзодлар рўйхатига Вадим Викторович Бакатин, Михаил Сергеевич Горбачев, Николай Иванович Рижковларни киритишни таклиф этади.

Депутатлардан **Г. С. Походня, В. Г. Куликов, А. М. Яковлев, Д. Н. Кугультинов, Ю. Р. Якубов, В. И. Лисицкий, Н. Н. Энгвер, А. М. Масалиев, В. А. Мартиросян, Л. Е. Близнов, П. Г. Бунич, Г. А. Посибеев, О. О. Везгелдиев** ва бошқалар М. С. Горбачевнинг номзоди кўрсатилишини қўллаб-қувватладилар.

Депутатлардан **В. И. Дикуль** ва **Б. В. Крижков** Совет давлатидаги олий лавозимга номзод қилиб Н. И. Рижковни кўрсатдилар.

Депутатлардан **А. В. Земскова, А. Г. Черних** СССР Президенти лавозимига номзодлар рўйхатига В. В. Бакатинни киритиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш тартибида ҳаммаси бўлиб 23 киши сўзга чиқди. Шундан кейин номзодлар алифбе тартибида муҳокама қилина бошланди.

**В. В. Бакатин** сўз олди. У «Союз» группасига астойдил миннатдорчилик изҳор этиб, ўз номзоди кўрсатилмаслигини илтимос қилди.

Депутатлардан **М. Т. Абрамович, Н. К. Ермилов, И. В. Сорокин, А. В. Бородулин, В. В. Гончаров, А. Л. Плотников, Н. С. Петрушенко** ва бошқалар бу илтимосга қўшилмадилар.

Муҳокама ва **В. В. Бакатин**нинг яна сўзга чиқиши натижасида Съезд унинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисидаги илтимосига рози бўлди.

Сўнгра М. С. Горбачев номзоди муҳокамага қўйилди. Гапириш истагида бўлганлар шу қадар кўп эдики, раислик қилувчи минбарнинг турли томонларидан саф бўлиб навбатга туриб олган гоҳ у, гоҳ бу тарафдаги депутатларга навбатма-навбат сўз беришга мажбур бўлди. Депутатлардан **Ф. Г. Григорьев, В. И. Трофимов, С. С. Шушкевич, М. Оразлиев, Т. Г. Авалиани, В. А. Логунов, Н. А. Куценко, А. А. Шчелканов, И. Н. Сидор, Г. Н. Романов, А. П. Яненко, В. А. Волков, О. О. Сулаймонов, А. М. Канаровская** ва бошқалар — жами 17 киши сўзга чиқди.

Муҳокама жўшқин, ўткир бўлди, турлича, баъзан бир-бирига зид нуқтаи назарлар айтилди.

Съезд қатнашчилари мутлақ кўпчилик овоз билан М. С. Горбачев номзодини овоз бериш учун бюллетенга киритишга қарор қиладилар.

Н. И. Рижковнинг номзоди амалда муҳокама қилинмади, чунки СССР Министрлар Советининг Раиси олий давлат лавозимига овозга қўйилишга розилик бермади. Айни вақтда у уни Президент этиб сайлашни таклиф қилган ўртоқларга астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. Ҳозир янглишиш мумкин эмас, деди **Н. И. Рижков.** Янги миқёсда фикрлайдиган киши, анча олдиндан кўра билиши керак бўлган инсон Президент бўлишига аминман. М. С. Горбачевда шу фазилатлар борлигини депутат уқтириб ўтди ва унинг учун овоз беришга чақирди.

Халқ хўжалигидаги аҳвол мамлакатни ижтимоий-иқтисодий соғломлаштириш дастурини амалда рўёбга чиқариш соҳасида ҳукуматдан юксак масъулият ва зўр куч-ғайрат талаб қилаётганлигини у ўз номзоди кўрсатилмаслигининг иккинчи сабаби деб атади.

Съезд бу далилларга қўшилди.

Шундай қилиб, мамлакатнинг биринчи Президенти лавозимига номзодлар рўйхатида битта М. С. Горбачевнинг номи қолди.

Навбатдаги танаффусдан аввал ҳисоб комиссияси тузилди. Депутат **Ю. А. Осипьян** комиссия раиси қилиб сайланди.

Ярим тунда депутатлар СССР Президентини сайлашга киришдилар. Овоз бериш якунлари 15 мартда эълон қилинади.

(ТАСС).

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

**1990 йил 14 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.**

**Пленум ишида КПССдан СССР халқ депутатлари қатнашдилар.**

**Пленумда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. В. Дубинин, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков сўзга чиқдилар.**

**Пленум СССР Президенти лавозимига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев номзодини кўрсатишга қарор қилди.**

**Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.**

**КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.**

## Наврўз тараддуди

**Республикамизда ҳақиқий халқ байрами Наврўзнинг тикланиши, унга миллий байрам мақоми берилиши кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланадиган ҳамма кунлар бутун халқимизнинг ёрқин ва қувончли байрамига айланиши, ҳар бир хонадонга файз бахш этиб, кишилар қалбини яхшилик ва меҳр-мурувват, муҳаббат ва бахт-саодат нурлари билан тўлдириши лозим.**

Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Партия ва совет идораларига, меҳнат коллективлари, маданият муассасаларининг раҳбарларига жамоатчиликнинг ижодий ташаббусига кенгроқ таяниш, маъмуриятчилик ва ишларни қалаштириб ташлашдан қочиш таклиф қилинди. Байрамга тайёргарлик чоғида кўчалар ва майдонларни тозалаш, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш, янги мевазор боғлар яратиш юзасидан халқ ҳашарларини ўтказиш тавсия этилди. Тошкентдаги Ҳамза район жамоатчилигининг 18 март куни Наврўз шарафига якшанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди ва маъқулланди.

Наврўзнинг асосий мазмуни бирлик, қардошлик, дўстлик эканлиги, ушбу баҳор байрамини баҳамжиҳат ўтказиш анъаналарининг муҳимлиги таъкидланди. Бу йилги Наврўз Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари ўртасидаги яхши, илиқ, самимий муносабатларни тиклашга ёрдам бериши кераклиги айтиб ўтилди.

21 март куни республикамиз шаҳар ва қишлоқларида барча кишилар Наврўзнинг анъанавий таомини тотиб кўришлари учун умумхалқ дастурхонини ёзиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Айни вақтда байрамнинг асосий таоми — сумалак текинга берилади.

Министрликлар ва идоралар раҳбарларининг Наврўзга тайёргарлик тўғрисидаги ахборотлари ҳам тингланди.

Наврўз байрамида қатнашиш учун ҳар бир областга ва Қорақалпоғистонга республика ташкилот комитетининг аъзолари боришлари хусусида келишиб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

**«Бирлик» норасмий ташкилотининг бир гуруҳ раҳбарлари шаҳар Совети ижроия комитетига шу йилнинг 18 март куни митинг ўтказишга ижозат бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилди.**

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг шу йилнинг 21 февралдаги Фармони амал қилаётганлигини, уни меҳнаткашлар жуда кўплаб баёнотларида қўллаб-қувватлаётганлигини, шунингдек митинг ташкилотчилари муҳокама этишни таклиф этаётган масалалар 25 февраль куни рухсат этилган митингда амалда кўриб чиқилганлигини ҳисобга олиб, шаҳар Совети ижроия комитети бу илтимосни рад этди.**

**Шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент аҳолисига мурожаат этиб, хотиржамлик ва қонунга риоя этишни таъминлаш учун барча чоралар кўрилишини уларга билдиради.**

